

**“MAKTABGACHA TA'LIM  
– MAKTAB – OLIY TA'LIM”  
KONSEPSIYASI: MUAMMO,  
YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI  
MATERIALLARI**

**2022-yil, 9-aprel**

**Buxoro – 2022**

namoyon bo`ladi:

- jismoniy rivojlanish sohasi va sogʻlom turmush tarzining shakllanishi;
- ijtimoiy-hissiy rivojlanish;
- nutq, muloqot, oʻqish va yozish malakalari;
- bilish jarayonining rivojlanishi;
- ijodiy rivojlanish

Maktabgacha yoshdagi (6-7 yosh) bolaning umumiy muhim kompetensiyalariga: kommunikativ kompetensiya – muloqot vositalaridan turli vaziyatlarda foydalana bilish koʻnikmasi; oʻyin kompetensiyasi – bolaning oʻyin jarayoni va uni tashkil qilishda tajriba, bilim va koʻnikmalardan ijodiy foydalanishi. Oʻquv-tarbiyaviy jarayon uchun asos hisoblanadi; ijtimoiy kompetensiya – hayotiy vaziyatlarda kattalar va tengdoshlar bilan muloqotda axloq qoidalari va meʼyorlariga rioya qilgan holda oʻzini tuta olish mahorati; bilish kompetensiyasi – atrofdagi olamni ongli ravishda idrok qilish va olingan bilim, koʻnikma, malaka va qadriyatlardan oʻquv va amaliy vazifalarni hal qilish uchun foydalanish.

Bolaning har tomonlama rivojlanishini taʼminlash uchun maktabgacha taʼlim tashkilotining ota-onalar bilan oʻzaro hamkorlikdagi ishlari ham muhim sanaladi.

Bunda:

- ota-onalarning maktabgacha taʼlim tashkiloti borasidagi fikrlarini hisobga olish;
- ilk rivojlanish masalalarida ota-onalarga bilim berish;
- ota-onalarni oʻquv-tarbiyaviy jarayonda faol qatnashishga jalb etish;
- ota-onalarning tashkilot hayotida ishtirok etish borasidagi tashabbuslarini qoʻllab-quvvatlashdan iborat.

Maktabgacha taʼlim tashkilotining oila va bolalar bilan ishlash tizimida aniq maqsad mazmun boʻlishi shart. Ota-onalar bilan hamkorlik borasida, avvalo erishilgan yutuq va tajribalarning natijalarini tahlil qilib, bolaning ijobiy tomonlarini koʻrsatib, keyin asta-sekinlik bilan ularning xulq-atvoridagi salbiy holatlarni bartaraf etishga, tevarak-atrofga qiziqishlarini oshirib borishga astoydil harakat qilish va uqtirish lozim. Shu oʻrinda haqli savol yuzaga kelishi tabiiy. Maktabgacha taʼlim yoshidagi bolaning tayyorgarligi qay darajada boʻlishi kerak? Bolalarni maktabda muvaffaqiyatli oʻqishi uchun ularni fanlar boʻyicha mazmunli tayyorgarligi muhim emas. Chunki uni haddan ziyod aqliy topshiriq yuklatish oʻqishga boʻlgan xohishni susayishiga olib keladi. Asosiysi, uni psixologik jihatdan maktabga tayyorgarligi, bilishga qiziqishi, oʻzini nazorat qila olish malakalarini, kommunikativ va ijodiy qobiliyatlarini, nutqini, xotirasini, diqqatini, tafakkurini rivojlanishining maʼlum darajasini shakllantirishdir.

Bundan koʻrinib turibdiki, bolalarni maktabga tayyorlash katta yoki tayyorlov guruhlarida emas, balki bolaning maktabgacha taʼlim tashkilotiga kelgan kunidanoq boshlanishi lozim. Agar aniqroq aytadigan boʻlsak, uni oldinroq ham boshlash mumkin. Chunki bolaning diqqati, qiziquvchan va baʼzi bir topshiriqlarni mustaqil qilishi qiyin boʻlganidek, uni qisqa muddat ichida birgalikda qandaydir vazifalarni yechishga kelishishga oʻrgatish ham mushkul bir vazifadir. Bu borada, maktabgacha taʼlim tashkiloti tarbiyachisining savodxonligi va bolalar, ayniqsa, nuqsonli bolalar bilan ishlay olish mahorati muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuni taʼkidlash lozimki, tarbiyachi rivojlanmasa, maktabgacha taʼlim rivojlanmaydi. Tarbiyachining rivojlanishi esa, oʻz ustida tinimsiz izlanishi, taʼlim-tarbiyani uygʻunlashtirgan holda yangiliklar yarata olish, bolalar psixologiyasini chuqur bilishi bilan xorij tajribasi yangiliklarini oʻzlashtirib, oʻz faoliyatini boyitib borishi va ularni amaliyotda qoʻllay olishi bilan ahamiyatlidir. Maktabgacha taʼlim boshlangʻich taʼlimning poydevori sanaladi. Poydevor mustahkam boʻlsa imorat uzoq yillar qad koʻtarib turadi. Shunday ekan, kelajagimiz davomchisi boʻlgan yosh avlodni har tomonlama komil inson qilib, taʼlim- tarbiya berish bugungi kun taʼlim sohasi vakillari oldida turgan dolzarb vazifalardan biri ekanligini anglamogʻimiz lozim.

#### **Adabiyotlar:**

1. "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim

vazirligining 2018-yil 7-iyuldagi 4-sonli hay'at yig'ilishi qarori bilan tasdiqlangan.

2. Maktabgacha yoshdagi bolalar ilk rivojlanishiga qo`yiladigan davlat talablari. 2020.

3. Maktabgacha ta'lim muassasalarida qisqa muddatli guruhlar faoliyatini tashkil etishda tarbiyachilarni tayyorlash bo'yicha trening moduli. T.: 2017-y.

4. "Bolangiz maktabga tayyormi?" O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, Respublika ta'lim markazi, Ma'rifat-Madadkor nashriyoti.

5. Kuni uzaytirilgan guruhlar (KUG) bilan ishlash metodikasining konseptual asoslari. T.: 2008.

6. Дефектологический словарь М., Педагогика. 1970.

7. Oilada serebral falaj bo'lgan ilk yoshdagi bolalar bilan olib boriladigan korreksion pedagogik ishlar. RTM. T., 1998.

## БУХОРОДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТИ ХУСУСИДА

**Ж.Ж. Мажидов,**

БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация:** Ушбу мақолада XX аср 2- ярмида Бухорода аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш, жамоат транспортдаги ўзгаришлар, шунингдек, соҳага оид муаммо ва ечимлар хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Йўловчи ташиш, автобаза, автопарк, автохўжалик, автотрест, автовакзал, йўл қурилиши, таксомотор, рейс информация, автоинспекция.

Тарихнинг барча даврларида инсонлар бир манзилдан бошқасига бориш учун транспортга эҳтиёж сезишган. Бу эса ўз навбатида давр ва замон руҳи билан ҳамоҳанг бўлган. Шу аснода ўрганилаётган даврдаги Бухорода ҳам йўловчиларга транспорт хизматларини кўрсатиш ишлари бир маромда бориб, кўпгина янгиликлар амалга оширилган бўлсада, соҳага оид ўз ечимини топишга эҳтиёжманд муаммолар ҳам йўқ эмас эди. Бу каби муаммолар айниқса вилоятнинг чекка ҳудудларида кўпроқ кўзга ташланган.

Ғиждувондаги 33-автопарк<sup>4</sup>ка қарашли “Ғиждувон ВЛКСМ” маршрути бўйича қатнайдиған автобусларнинг график асосида қатнамаслиги тўғрисида шикоят тушган ва область автотрести<sup>5</sup>га бу масала топширилган. Ҳақиқатдан ҳам график асосида автобусларнинг юрмаслиги аниқланган ва 33-автопарк шофёрлари орасида муҳокама қилиниб, янги жадвал тузилган, автобуслар қатнови жадвали автовокзалда ва охириги бекатда кўринарли жойда илиб қўйилганлиги ёзилган<sup>6</sup>.

Бухородаги автобазанинг шофёри А.Домбрачев, унинг “Ҳурмат тахтаси”дан тушмаслиги, унинг автобуси иккинчи марўрут йўналиши орқали май байрами кунлари 2 мингга яқин пасажири ташигани ва пленни 120 5 бажаргани, байрам кунлари автобаза коллективи 2 млн 268 минг 300 пасажири-километр йўл босганлари, шу кунлари 277 мингдан ортиқ пасажири манзилларига етказганликлари ёзилган. Таксомотор вакилларидан Н.Муҳитдинов, И.Фаттоевлар ҳам планни 115-129% бажарганликлари ёзилган<sup>7</sup>.

6-автобус парки директори С.Сеитгазиевнинг матбуотдаги чиқишида, автобус паркининг 48 та шаҳар, областлараро йўналишларда ҳаракат қилиши, Бухоро шаҳарда 70

<sup>4</sup> Автопарк-турли мақсадларда автотранспорт воситаларидан фойдаланадиган автотранспорт корхонаси. Шунингдек, автопаркларда юк ёки йўловчи ташувчи автомобил транспортларининг ҳаракат таркиби, йўналиши, техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш учун бинолар, иншоотлар ва қурилмалар мавжуд бўлган ҳудуд.

<sup>5</sup> Автотрест-юк ва енгил автомобиллар, вагонлар ишлаб чиқариш ва сотишни йўлга қўйиш уларни эҳтиёт қисмлар ва эксплуатация материаллари билан таъминлаш билан шуғулланувчи давлат корхонаси.

<sup>6</sup> Автобуслар қатнамайди. // Бухоро ҳақиқати. 1976 йил, 182 (14594)-сон, 10 сентябр.

<sup>7</sup> Шукурова с. Рулда-миллион километр. // Бухоро ҳақиқати. 1972 йил, 92 (12942)-сон, 12 май.

та йўналишда автобус ҳар куни йўлга чиқиши, уларнинг ютуқлари санаб ўтилган. Муаммо сифатида 6- ва 8-маршрутлар қатнайдиган йўлларда қозиш ишлари олиб бориш чўзилиб кетганлиги, бу планни бажаришга ҳалақит қилаётганлиги ёзилган<sup>8</sup>.

1976 йилги маълумотларга кўра, Бухоро автовокзалидан 300 та аҳоли яшайдиган манзилларга автобус йўлга чиққан. Автовокзалда рейс информация хизмати бюроси орқали ҳар бир рейс ва унинг йўлга чиқиш вақти, билет нархлари маълум қилиб турилган. Автовокзал ҳузурида ёш болали оналар учун махсус хона, медпункт, анжомларни сақлаш хонаси бўлган. Ошхона, буфет ташкил этилган. Кундалик газета, журналлар ва китоблар сотуви йўлга қўйилган. Шу йили Бухоро-Андижон йўналиши йўлга қўйилган ва Тошкентга рейслар сони кўпайтирилган. Нукусга қатнайдиган рейс ташкил қилиниш арафасида эканлиги келтирилган. 27-, 33-, 139 автобазаларнинг ёрдами эътироф этилиб, 6-автопаркнинг айби биланиюль ойининг ўзида 4 минг 500 рейс барбод бўлиб, автовокзал 1300 сўм миқдорида жарима тўлаган<sup>9</sup>.

Редакцияга хат рукнида Бухоро район Имомқози қишлоғи меҳнаткашлари номидан Шамсия Муродова мактуб йўллаб, қишлоққа илгарилари кунига беш рейс автобус келиши, кейинги вақтларда кунига икки, баъзан умуман келмай қолишини ёзган. Кексалар ва ёш болали аёлларга оғир бўлаётганлиги, автобус қатнови тикланиб яхши йўлга қўйилишини сўраган<sup>10</sup>.

Област автотрести жамоаси КПССнинг XXIV съезди арафасида умумхалқ мусобақасига қўшилган. Беш йиллик топшириқни бажариш арафасида турган трест 30 млн 501 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб берган. 95, 27, 118 автобазалар Бухоро таксомотор парки фаол бўлган. 10 минг сўмлаб фойда келтирганлар. Ҳамма жойда ҳам ишлар яхши кетмаётганлиги тилга олиниб, Бухородаги 6, Навоийдаги 98, Томдидаги 94 автобазалар (директорлари, Ф.Саидов, Е.Кобачков, Н.Абдуқосимов ўртоқлар) иш фаолиятида нуқсонлар борлиги таъкидланган. Автомашиналар тўла қувват билан ишлатилмайди, шофёрларга меҳнат шароитлари яратиб берилмаган, натижада улар орасида қўнимсизлик ҳукум суради, социалистик мусобақа кенг ривожлантирилмаган, илғорлар тажрибаси оммалаштирилмаган, моддий рағбатлантириш стимуллари коллектив олдида турган вазифаларни бажаришга қаратилмаган, айти пайтда област автотрестига қарашли 550 та автобус 1508 та юк машинаси халқ хўжалиги хизматида бўлиши лозим. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек ишламаган. 100 дан ортиқ машиналар ўринсиз турли сабаблар билан бекор турган, бунга хотима бериш керак. Сиёсий тарбиявий ишларни яхшилаш, техника хавфсизлиги ва йўл қодаларини яхши ўқитиш лозим<sup>11</sup>.

Зандани Пешку марказидан 10 км узоқликда қишлоқда 2 та МТС, битта ўрта, иккита 7 йиллик мактаб бор. Молотов ва маленков колхозлари, пахта пункти, савдо тармоқлари бор. Аммо, район марказидан қишлоққа транспорт йўқ. Занданидан нарида Қалъаи миришкор, Шариф Эргашев К/Слари бор бўлиб, автобаза Янгибозор-Зандани йўналишида автобус қатновини йўлга қўйишни сўраганлар, улар Островский номли ўрта мактаб б.Жўраев, магазин Мудири, Л.Хўжаев, район газетаси ходими А.Отаев<sup>12</sup> бўлган.

Ғиждувондаги 33-сон автобаза Қизилтепа станцияси билан Азизобод участкаси ўртасида автобус қатновини йўлга қўйган эди. бу ташаббус узоқ давом этмади. 2 ойдан буён станция билан азизобод маршрути бўйича автобус қатнамай қўйди. Бунинг натижасида Зарметан ва Азизобод қишлоқ советларнинг аҳолиси Қизилтепа станциясигача 18 км йўл босиб пиёда кетишга ёки юк автомашиналарини бир неча соатлабкутиб ўтиришга мажбур бўлмоқдалар. Ғиждувон автобаза раҳбарларидан автобус қатновини яна

<sup>8</sup> Сеитгазиев С. Узоқни яқин қилиб... // Бухоро ҳақиқати. 1977 йил, 11 (14635)-сон, 16 январ.

<sup>9</sup> Атоев Р. (Бухоро хўжалик ҳисобидаги автокорхона бошлиғи). Автобуслар манзилга ошиқмоқда. // Бухоро ҳақиқати. 1976 йил, 257 (14669)-сон, 24 декабр.

<sup>10</sup> Муродова Ш. Транспорт қатнови яхшилансин. // Бухоро ҳақиқати. 1970 йил, 183 (12514)-сон, 16 сентябр.

<sup>11</sup> Автотранспорт хизматини яхшилашлик. // Бухоро ҳақиқати. 1970 йил, 230 (12561)-сон, 20 ноябр.

<sup>12</sup> Автобус қатнови йўлга қўйилсин!. // Бухоро ҳақиқати. 1955 йил, 254 (5917)-сон, 22 декабр.

йўлга қўйишни талаб қиламиз<sup>13</sup>.

“Октябр 40 йиллиги” совхозининг ишчилари Конимех район марказига бориш учун 20 км йўлни пиёда босиб ўтмоқдалар. Навоий шаҳридаги 34-сон автобазанинг раҳбарлари бунга мутлақо эътибор бермаяпти. Меҳнаткашлар депутатлари район совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С.Тўқсонов шу йилнинг январ ойидан бошлаб конимех шўркўл масофаси бўйлаб, автобуслар қатновини йўлга қўямиз деб ваъда берган бўлса ҳам ваъда ҳалигача бажарилмади. Совхоз ишчилари 34-автобаза раҳбарларидан ва конимех район ижроия комитетидан конимех ва шўркўл оралиғида автобус қатнови қачон йўлга қўйилади<sup>14</sup>.

Бухоро шаҳар бўйлаб автобус қатновидан ҳамма хурсанд аммо, жиддий камчиликлар ҳам бор ип йигирув фабрикаси-“Загодзерно” марўрути бўйича юрадиган автобус ҳаракатида 12 та астановка бўлиб, уларнинг ҳеч бирида йўловчилар учун қулай шароит йўқ. Кутиш жойларида скамейкалар йўқ. Йўловчилар тик оёқда автобус кутишади, автобусни кутиб ишга кечикишади. Совуқ киш шароитида қор-ёмғир остида ёзда эса, жазирама иссиқда туриб қолишади. Ёш болали аёллар, қариялар ва инвалидлар учун бундай шароитда автобус кутиш қийин. Бухоро шаҳридаги 6-сон автобаза дирекцияси ёки област автрест раҳбарлари бундай ҳақли эътирозга қачонгача эътиборсиз қарайди<sup>15</sup>.

6-автобаза коллективи июл ойи планини 108,7% бажариб, 10 минг сўмлик ёқилғи ва резина тежаб қолди. Бухоро шаҳар советининг депутати К.Галиева, Курганова, Ахмедов, Иванов, Шарипов ўртоқлар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётирлар. Айрим шофёр ва кондукторлар меҳнат интизомига риоя қилмаслик пасажирлардан пул олиб билет бермаслик каби қонунга хилоф ишларга йўл қўймоқда. 49-23 номерли автобуснинг кондуктори Нина Зверова “билет тамом бўлди” баҳонаси билан жами 200 сўмлик билетларни яширган. Бухоро-Зандани маршрутида қатнайдиغان 11-55 автобус шофёри мустақим ҳожиёв эса, 20 кишидан пул олиб билет бермаган. Автобаза маъмурияти (директор Круглов, касаба союз комитети раиси Баракаёв) шаҳар ва ҳалқа маршрутлари бўйича қатнайдиغان автобусларнинг тўхташ жойида қатнов графикларининг ёзиб қўйилишини таъминлашлари лозим. Шунингдек, бу жойларда пасажирларни автобусларга чиқиш ва қоида тартиблари ёзилган тахталар қўйилса фойдадан холи бўлмайди<sup>16</sup>.

Бухоро автовокзали шаҳарнинг кириш чиқиш дарвозаси ҳисобланади. Лекин бу ерда хизмат кўрсатишнинг аниқ тартиби йўқ. Районларга ажратилган автобуслар бўйича контролёрлар йўловчиларни тартиб билан билетини кўрган ҳолда машиналарга чиқишларини таъминлаш ўрнига томошабинлик қиляптилар. Натижада ёш-яланглар қарияларни, хотин-халажларни зўрлик билан бир ёққа итариб, автобусларга чиқиб оладилар. Бу ҳол айниқса, Бухоро-Ромитан ва Бухоро-Янгибозор маршрутларида кўплаб содир бўляпти. Автовокзал ва трест томошабин бўлаётганлими кескин танқид қилинган<sup>17</sup>.

Бир гуруҳ тиббиёт ходимлари касалхонага шаҳардан қатнаши учун маршрут автобусларнинг йўқлигидан шикоят қилган. Улар ўз мактубида “жон-донидан ўтиб кетгач мурожат қилаётганликлари”-ни ёзганлар. Уларнинг фикрича; 13, 17 автобуслар Вилоят тери таносилликлар касалхонасигача борган. Аммо, кейинчалик бу маршрутлар қатнамай қўйган ва тиббиёт ходимлари ишхонага боришга қийинчиликларга дуч кела бошлаган. 2533-автоколона раҳбарларига 5-, 7- автобусларнинг маршрутларини мрхи-хосагача узайтириш тўғрисида бир неча бора мурожаат бекор кетган. Шу сабабли уўбу хат ёзилган бўлиб, унинг остига Бобоева М, Ҳақимова р, Ҳамроева С. Ашурова С. кабилар имзо

<sup>13</sup> Каримов Ҳ. Қизилтепа район Зармитан кишлоқ совети Сталин номли колхоз аъзоси. Автобус қатнови йўлга қўйилсин! // Бухоро ҳақиқати. 1957 йил, 18 (5941)-сон, 25 январ.

<sup>14</sup> Хўжаахмедов Б. Ваъдалар қачон бажарилади. // Бухоро ҳақиқати. 1959 йил, 48 (6488)-сон, 9 март.

<sup>15</sup> Ашрапова Ҳ. Йўловчиларга қулай шароит керак! // Бухоро ҳақиқати. 1959 йил, 253 (6693)-сон, 25 декабр.

<sup>16</sup> Зуйченко А. Касаба союзлари Бухоро области советининг инструктори. Автотранспорт хизматини янада яхшилайтик. // Бухоро ҳақиқати 1960 йил, 157 (6854)-сон, 9 август.

<sup>17</sup> Бақоев Т. (Йўловчи.) // Бухоро ҳақиқати 1989 йил, 15 (17550)-сон, 20 январ.

## MUNDARIJA

### 1-SHO'BA. MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING SAMARA VA NATIJALARI

Sayfullayev G'ulom Mahmudovich, Sayfullayev G'ulom Mahmudovich. TABIIY FANLARNI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	3
Nizomova Shohista Shodiyevna, Ubaydullayeva Pokizabonu Qahramon qizi. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI NUTQ TOVUSHLARINI TALAFFUZ QILISHGA O'RGATISHISH.....	5
Хакимова Наргиза Супхоновна. РОЛЬ ПАМЯТНИКОВ ЗОДЧЕСТВО В ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОМ ВОСПИТАНИЕ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ.....	7
Н.С.Абдуллаева. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ДИҚҚАТ НАМОЁН БЎЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР.....	10
Кубаева Мавлуда Бахтиёр қизи. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ-МУҲИТНИ ҲИССИЙ БИЛИШ ЖАРАЁНИ.....	14
Saidova Laylo Nasridinovna, Husenova Dilnoza Faxriddin qizi. MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK METODLARDAN KENG FOYDALANISH VA TARBIYACHI KASB MALAKASI.....	16
I.E.Davronov, G.Sh.Shodieva. MAKTABGACHA TA'LIM VA TARBIYADA BOLALARNING BOG'LANISHLI NUTQINI O'STIRISH MAZMUNI.....	18
D.A.Sattarova. MAKTABGACHA TARBIYA YOSHDAGI BOLALARNI AXLOQIY TARBIYALASH VOSITALARI.....	19
Abdixoliqova Hanifaoy Ikromjon qizi UMUMMILLIY QADRIYATLAR - MILLIYLIGIMIZ TIMSOLI.....	22
G'aniyeva Shohida Sobirovna, Idiyeva Gulchehra Toirovna. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISHDA TARBIYACHILARNING VAZIFALARI.....	24
Salimova Gulnoza Shuxratovna. MTTDA BOLALARNING JISMONIY RIVOJLANISHIDA HARAKATLI O'YINLARDAN FOYDALANISH METODIKASI.....	26
Inoyatova Fotima, Izatullaeva Dilnavoz OILADA BOLALARNI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASH MAZMUNI.....	28

### 2-SHO'BA. MAKTABGACHA TA'LIM VA O'RTA UMUMTA'LIM MAKTAB HAMKORLIGI, O'ZARO INTEGRATSIYADAGI YUTUQ VA MUAMMOLAR

Масуда Абдуллаева Абдубаннаевна, Эргашева Умринисо, Асимжонова Муниба. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАНИНГ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА, МАХАЛЛА ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАМКОРЛИГИ.....	30
Ismatova Halovat Baxtiyorovna. TARBIYASI OG'IR VA BO'SH O'ZLASHTIRUVCHI O'QUVCHILAR O'QUV-BILUV FAOLIYATI DARAJALARINI TASHXISLASH TAMOYILLARI.....	32
Бадиев Махмуд Маъруфович, Шарофитдинова Шохсанам Хайрулло қизи. КОМПОЗИЦИОННЫЕ СПОСОБНОСТИ УЧЕНИКОВ ШКОЛЫ НА ЗАНЯТИЯХ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНЫМ ИСКУССТВОМ.....	33
Ashurov O'ktam Rustamovich. O'QUVCHILARDA JISMONIY TARBIYA ORQALI ESTETIK TARBIYA BERISH USULLARI.....	35
I.T.Jo'rayev. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARNING JISMONIY RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOSLIGI.....	37